Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

*1931 йилдан чиқа бошлаган* 1996 йил 2 март, шанба **Баҳоси сотувда эркин нархда.** *16 (6713)*

*Даъват*

Тан рисзатидан кўпроқ руҳ рисзати лозимдур. Мард киши ўзини рисзат ва адаб ила кўрсатсун, инсон ила ҳайвон орасидаги фарқ ёлғуз маишатда эмас, яхши ахлоқ касб қилмоқдадур.

Абу Али ибн Сино

*Ибрат*

Истеъдодли болаларга ғамхўрлик қилган киши келажакни кўзлаган инсондир. Комилжон Тожибоев ҳам шундай ватанпарварлардан бири. У Учқўрғон шаҳридаги «Сардор» хусусий фирмасининг соҳиби. Саховатли ишбилармон шаҳардаги Ойбек номли 4-мактабнинг аълочи ва одобли ўқувчиларидан 20 нафарига ўз фирмаси ҳисобидан 100 сумдан стипендия ажратиб бермоқда. Ҳимматингизга балли, Комилжон ака!

# ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК





29 февраль куни Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1995 йилги якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида жорий йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Олий Мажлис қўмиталари раислари иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар дастлабки самараларини бера бошлади, — деди Президент мажлисни очар экан. — Бу ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишида, ишлаб чиқаришнинг пасайиш суръатлари тўхтатилганида, пулнинг қадрсизланиш даражаси пасайиб бораётганида намоён бўлмоқда. Шу маънода ўтган 1995 йил бурилиш йили бўлди дейишга ҳақлимиз. Бу халқимизнинг йил бўйи қилган фидокорона меҳнати самарасидир. Биз бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Жорий йилда олдимизда бундан ҳам улкан вазифалар турибди. Уларни бажариш учун ўтган йил якунларидан керакли хулосалар чиқаришимиз, иш фаолиятимизнинг заиф нуқталарини аниқлашимиз ва уларни бартараф этиш йўлларини излаб топмоғимиз зарур. Хусусан, халқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Бу — ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг неча фоизига харидор бор, кераксиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилмайдими, корхона ва хўжаликлар кишиларга қандай манбалар ҳисобидан маош тўлайди — шу каби саволларга олдиндан жавоб топмоқ демакдир. Шу ўринда айрим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайгани ҳолда ишловчилар сони асосан сақланиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Уларга нима ҳисобидан маош тўланяпти?

Ҳар бир тармоқ, бирлашма, корхона раҳбарининг фаолиятига у юқоридаги каби масалаларни ҳал этишда нечоғлик билим ва қобилиятга эга эканига қараб баҳо беришимиз лозим. Бундай масалаларни ҳал этмаётган, ватанпарварлик ҳиссидан бегона, шу куним ўтса бўлди, дея боқимандалик кайфияти билан яшаётган айрим раҳбарлардан воз кечиш пайти етди. Шундай қилмасак, бозор талабини ўрганиб иш юритадиган, хорижий сармоядорларга Ўзбекистоннинг имкониятларини, халқимизнинг инсоф-диёнатли эканини тушунтирадиган, бу ерга сармоя қўйсанг, ҳеч қачон доғда қолмайсан, деган гапларни уларга уқтириб, инвестициялар олиб келадиган ташаббускор раҳбарларга таяниб ишламасак, иқтисодиётимизнинг муаммоларини ҳал этишимиз қийин кечади.

Долзарб масалалардан яна бири пул эмиссияси миқдорини камайтиришдир. Бунинг сабаби шундаки, жойларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари, ихчам-ихчам корхоналар ташкил этиш, пулли хизмат кўрсатиш ишлари ниҳоятда сусткашлик билан амалга оширилаётир. Бу эса пул айланишини секинлаштирмоқда. Оқибатда айрим жойларда иш ҳақи вақтида тўланмаяпти. Бу масалага жиддий эътибор бериш, унинг нафақат ижтимоий, балки сиёсий масала эканини англаб етмоқ зарур. Бу муаммоларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигида ортиқча ишчи кучи мавжудлигига бориб тақалади. Бу эса етиштирилаётган ҳосилнинг таннархи ортиб кетишига сабаб бўлаётир, дея таъкидлади Ислом Каримов. Биз мана шу муаммони — икки миллиондан зиёд ишловчини қишлоқ хўжалигидан саноатга жалб этиш масаласини ҳал қилмас эканмиз, ислоҳотларни олға силжитиш қийин бўлади. Бунинг учун эса республика вазирликлари, идора ва ташкилотлари, ҳокимликлар хўжаликларга янги иш жойлари ташкил этишда амалий ёрдам беришлари керак. Хусусан, бу борада аниқ дастурлар ишлаб чиқиш, уларда бир ишчи ўрнини ташкил этиш қанча маблағ талаб этади, тузилган корхона қандай самара беради, деган саволларга аниқ жавоб бўлиши керак. Чунки иш жойи бўлса, даромад ҳам бўлади, унинг эвазига мактаб ҳам, касалхона ҳам, спорт иншоотлари ҳам қурилади. Демоқчиманки, қишлоқ хўжалиги бўйича аниқ сиёсат ўтказилиши керак.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш ҳам муҳим вазифа бўлиб турибди. Бу ишни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўз назоратига олмоғи даркор. Бунда ишлаб чиқарувчиларнинг, деҳқонларнинг зарар кўрмаслигига эътибор бериш, уларнинг манфаатини қонун йўли билан ҳимоя қилиш одат тусига кириши зарур.

Кейинги йилларда юртимизда бир қанча ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида, шаҳар ва қишлоқларда юзлаб салобатли, кўркам бозорлар қурилди. Бу ҳаммамизни қувонтиради, албатта, деди Президент. Лекин давлат маблағи, халқимиз меҳнати эвазига қурилган бу бозорлар кимларнинг қўлига бериб қўйилмоқда? Уларда ҳозир ким ҳукмрон? Маҳсулот етиштирган деҳқонми ёки олибсотарлармми? Бу масалаларни ҳам ҳокимлик ва ҳуқуқ идоралари ҳал этиши керак.

Хуллас, айтмоқчиманки, ҳар ким ўз жойида зиммасидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда қатъият билан ишлаши, юқоридан буйруқ ёки кўрсатма кутиб ўтирмаслиги зарур. Яқинда россиялик журналистлар билан учрашувда таъкидлаганимдек, ривожланган мамлакатларда шундай система қарор топганки, иқтисодий тармоқлар мустақил равишда ишлайверади. Уларни биров туртиб туриши шарт эмас. Биз ҳам ана шундай структура яратишимиз керак. Токи, иқтисодиётни қонун ва қарорлар бошқарсин. Зеро, республикада бу борада зарур қонунлар қабул қилинган. Улар бизнинг ютуғимиз. Таъбир жоиз бўлса, бойлигимиздир.

Ватанимизнинг гуллаб яшнаши учун, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун ҳар биримиз дилимизга мана шу Ватан туйғусини жо қилиб, ўзимизни унга содиқ фарзанд, деб билиб, элим деб, юртим деб ёниб яшашимиз керак, деди Президент пировардида. Ана шундагина биз кўзлаган мақсадларга эришамиз. Ватанимизнинг порлоқ келажагини бунёд этиш ишига ҳисса қўшган бўламиз.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари — «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси Ў. Исмоилов, молия вазири Б. Ҳамидов, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раиси В. Чжен, шунингдек, Марказий банк бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари Э. Ғаниев ва бошқалар сўзга чиқди.

Президент Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Мажлисда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

**(ЎзА).**

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 февраль куни юртимизга амалий ташриф буюрган Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятийни қабул қилди. Шу куни меҳмон Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А. Комилов билан ҳам учрашди.**

**• Қозоғистон ўз нефтининг бир қисмини Эронга сотишни мўлжалламоқда. Касбий денгизи ҳамда Форс кўрфази орқали бу мамлакатга ҳар йили 5 млн. тоннагача нефть экспорт қилиниши кўзда тутилган.**

**• Европа Иттифоқи (ЕИ) тўрт йилча Россияни ўз аъзолигига қабул қилиш, қилмасликни обдон ўйлаб, ва ниҳоят, бир қарорга келди. 28 февраль куни ЕИ ташкилоти жойлашган Страсбургдаги Европа саройи олдида ҳилпираб турган мамлакатлар байроқлари сафига Россияники 39-бўлиб қўшилди.**

**• Бу йил ХХР ҳарбий харажатлар учун 69,8 млрд. юан маблағ ажратишни режалаштирди. Бу ўтган йилгига қараганда 6,8 млрд кўпдир.**

**• Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати жангарилари Кобулдаги аҳоли истиқомат қиладиган уйларни реактив қурилмалардан ўққа тутди. Афғонистон ҳукумати ҳарбий ҳаво кучлари ҳам бунга жавобан жангариларнинг Чаросиёбдаги асосий базасига ракеталар ёғдирди.**

**• Ҳиндистон ҳукуматининг фавқулодда кенгаш ўтказишига Вазирлар Маҳкамасининг порахўрликда айбланган олти нафар аъзосининг истеъфоси сабаб бўлди. Юқори мансабдорлар орасида порахўрлар 30 нафарни ташкил этар экан.**

*Бизнинг суҳбат*

## «НАВРЎЗ, СЕНИ СОҒИНДИК»!

Умумхалқ байрами — Наврўзи оламни нишонлашимизга ҳам саноқли кунлар қолаяпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 январдаги «Наврўз» умумхалқ байрамини ташкил этишга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги 42-3-3 сонли ташкилий қўмитаси мажлисининг баённомаси халқимизга янада баланд руҳ бахш этмоқда.

Халқ таълими тизимида Наврўз тантаналари қандай нишонланади? Ҳамал кирса, амал киради. Илму маърифат масканларида ҳам йилнинг кириши катта шодиёнадир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармаси бошлиғи Марат Шафиев мухбиримизга Наврўз байрамининг қай тарзда нишонланиши ҳақида қуйдагиларни сўзлаб берди.

*— Наврўзни халқимиз соғинди. Бошқармамиз азалий халқ байрамини хурсандчилик билан нишонлаш тадбирларини ишлаб чиқди. Мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, болалар ижодиёти марказларида бу кун интиқлик билан кутилмоқда.*

*Байрам кунларида ўқувчи-ёшлар олимпиадаларда, кино, китоб ҳафталиклари, санъат байрами кўрик-танловларида иштирок этишади, театр ва музейларга саёҳат қилиб, завқу шавққа тўладилар.*

*Март ободонлаштириш ойлигидир. Кўчат экиб, боғлар яратилади. Мактаб ўқувчилари, талабалар ҳам бу эзгу ишдан четда қолмайдилар. Билим масканлари тозаланади, саранжом-саришта қилинади. Жамоа хўжаликлари томонидан ажратилган ер майдонларида ҳар хил мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиш ҳам кўзда тутилган. Болаларнинг таниқли кишилар билан қизиқарли учрашувлари ҳам ташкил қилинади.*

*Республика Таълим илмий-методика маркази «Наврўз ва истиқлол мафкураси», «Наврўз — маънавий тарбия», «Иймонни уйғотар Наврўз», «Из истории празднования Навруза» деб номланган методик қўлланмаларни жойларга жўнатишди.*

*Бундан ташқари, театрлаштирилган тадбирларда иштирок этиш учун пойтахт олий ўқув юртларидан 1200 нафарга яқин талабалар танлаб олинди. Улар пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий ўйингоҳида тайёргарлик машғулотларини бошлаб юбордилар. 21 март куни эрталаб соат 10 дан кеч соат 16 га қадар Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта театри майдонида байрам концерт дастури намойиш этилади.*

*Хуллас, гулу чечаклар фасли яқинлашган сайин дилларда қувонч, шуур кун сайин ортмоқда. Ободончилик, яратувчилик кайфияти кириб келаяпти. Маърифат масканларида таълим-тарбия олаётган ёшлар эса байрамга ғоятда ташнадирлар. Хушмуомалалик, самимийлик, меҳр-мурувват, саховат тушунчалари Наврўз байрамини хуш кайфият билан нишонлашимизга замин яратади.*

Суҳбатдош Улуғбек ЖУМАЕВ.

*Спорт*

## МАМЛАКАТНИ ШАРАФЛАР ФУТБОЛ

- Тўпни Андижондан топасиз
- Футбол куни
- Икки йиллик ишлар таҳлил этилди
- Футбол мавсумий иш эмас

Футбол энг оммавий ва халқ севган ўйинлардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг устига футболда спортнинг барча кўринишлари мужассамланган. Болаларнинг футболга иштиёқи қанчалик бекиёслигини таърифлаб ўтирмаса ҳам бўлади. Куни кеча «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгашнинг кенгайтирилган раёсат йиғилишида республика Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш масаласи муҳокама қилинди.

Кўнгилли спорт жамиятлари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар кенгаш раисларининг муовинлари, марказий кенгаш бўлим бошлиқлари, йўриқчилари, бош тренер ва бош ҳакамлар, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг раҳбар ходимлари иштирокида ўтган раёсат йиғилишида маъруза қилган Марказий кенгаш раиси М. Ҳайдаров Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилда чиқарилган «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан икки йил мобайнида қилинган ишлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Нотиқ амалга оширилган тадбирлар ҳозирги кун талаблари даражасида эмаслигини, кўп жойларда ишга панжа орасидан қаралаётганлигини, айрим ихтисослашган спорт мактаблари етарли ўқув-моддий базага эга эмаслигини қайд этиб, футбол майдончалари ташкил этишда Сурхондарё, Наманган вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида аҳволнинг ночорлигини рақамлар орқали яққол кўрсатиб ўтди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан кўнгилли спорт жамиятлари раис муовинлари Ф. Надиров (Қорақалпоғистон Республикаси), Р. Ҳамроев (Андижон), Ш. Норқулов (Сирдарё), А. П. Блинков (Тошкент шаҳри), Р. Кенжаев (Навоий) ва бошқалар кейинги йилларда умумтаълим мактаблари футбол шуъбалари ишини уюштириш, чуқурлаштирилган футбол синфлари очиш, футбол майдонлари ва стадионлар ташкил этиш юзасидан қилинган ишларни қайд этиш билан бирга спортнинг бу муҳим турини ривожлантиришда мавжуд камчилик ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида гапирдилар. Футбол машғулотини тўпсиз амалга ошириб бўлмайди. Сўзга чиққанларнинг кўпчилиги ҳанузгача ўқув коллекторларидан футбол тўпларини ололмаётганлигини айтишди. Бу масала, хайриятки, Андижон вилоятида ижобий ҳал этилганлигини эшитдик.

Раёсат йиғилишида сўзга чиққан республика халқ таълими вазири муовини Х. Ф. Маъсудов футбол масаласининг жуда муҳим масала эканлигини айтиб, болаларнинг қуйи синфлардан бошлаб шуғулланишларига эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, кенгайтирилган раёсат йиғилишида марказий кенгашнинг 1996 йилги спорт-оммавий тадбилар режаси ҳамда 1995 йилда асосий спорт кўрсаткичлари бўйича марказий кенгаш иш якунлари юзасидан ўқув-спорт бўлими бошлиғи Б. М. Милейковский ахбороти эшитилди ва Марказий кенгаш-

(Давоми 4-бетда).

*Соғлом авлод учун*

## ОҚРАБОТНИНГ ОТ МИНГАН БОЛАЛАРИ

**«Отни қадрлаш керак, чунки уни ранжиттан одам душман қўлида хор бўлади».**
**Амир ТЕМУР.**

Қашқа элининг қон-қонига азалдан тантилик, мардлик, полвонлик туйғулари сингиб кетган. Бу юртнинг момолари-ю, қиз-жувонлари қадим-қадимдан чевар ва пазанда, бобокалонлари-ю, навқирон йигитлари эса полвон ўтишган. Улар кураш тушишган, улоқ чопишган.

Полвонлигу чавандозлик хусусида баҳс кетганда вилоятда Деҳқонобод туманининг бу борада салмоғи баланд. Деҳқонободликлар қадимдан курашни, кўпкарини ўзбекнинг энг улуғ миллий анъанаси сифатида қадрлаб келганлар.

«Гаштак»да байловдан чиқарилган отлар совутилади, маҳаллий чавандоз йигитлар кўпкари мавсумига тайёрланадилар ва ёш болаларни, тойларни кўпкари чопишга ўргатадилар.

Тўй дегани, кўпкари дегани хонадон соҳибининг бор-йўғига, хайр-саховатига қараб паст ёки баланд бўлаверади. Бу борада қатъий чегара қўйилмаган, ҳар ким «кўрпасига қараб оёқ узатаверади».

Бироқ кўпкарида тўй эгасига кўпам оғир тушавермайди. Серҳиммат ошна-оғайнилар, туғишган ва тутинганлар бир бошдан гали билан зот айтиб қўяверади. Баковул эса, бир товушда эълон қилаверади: «Фалончи жўрасидан фалон пул, фалончи поччасидан бир серка ёки бир той...». Кўпкари қизигандан-қизийди. Урфга кўра баковул вақти-вақти билан болаларни ҳам эсга олиб туради: «Қани той минганинг жийил!» — дейди у бақириб. Паст-баланд тойларни ўзларича эгар-жабдуқлаб миниб олишган ўқувчи болалар бамисоли катта чавандозлар сингари майдон марказига жам бўладилар. Болаларга улоқ ташлаган баковул эълон қилади: «Ҳалоллайсан! фалон пул...» Ёш чавандозлардан бири «тойининг бошини кўрсатиб чиқариб ташлайди». «Ҳалол — дейди баковул — полвоннинг зотини бер!».

Баъзан чавандозлар тўйга аталган зотларни тугатолмасдан қоронғу тушади. Эртаси куни кўпкари келган жойидан давом эттирилади...

Ҳа, отабоболаридан қолган урф шундай. Бу элнинг мард ва танти халқи ёруғ дунёда орттирган молу-давлатини яхши кунида элига беради. Тўй якунида катта-ю кичик ҳамма бараварига юзларига оқ фотиҳа тортадилар: «...Ўғиллари полвон бўлсин, тўйнинг тўёнаси тўйда қайтсин. Омин Аллоҳи акбар!».

Таъбир жоиз бўлса, шуни айтайликки, бизни бу узоқ тоғ қишлоғига етаклаб келган яна бир нарса бор. Оқработдаги Мамадали Бойтўраев номли 7-сон ўрта мактабда от спортига, ўзбекнинг танти ўйини кўпкарига алоҳида эътибор берилаётган экан. Эшитганларимиз рост бўлиб чиқди. Мактабда чавандозлик тўгараги ва музейи фаолит кўрсатаяпти. Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, ибн Сино номли жамоа хўжалиги ва мактаб маъмуриятининг ўзаро ҳамкорликдаги уринишлари билан мактабда ташкил этилган «Деҳқоно-

(Давоми 3-бетда).

*«Ўзбекистон — Ватаним маним»*

## БИР ЎЛКАКИ...

Бу йил Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги кенг нишонланади. Ҳозир бу санага бағишлаб турли кечалар, ҳар хил тадбирлар тайёрланаяпти ва ўтказиляпти.

Яқинда Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 127-мактабда ўтказилган ана шундай тадбирлардан бири «Бир ўлкаки тупроғида олтин гуллайди...» деб номланди. Кеча муқаддимасида 4-«Ж» синф ўқувчилари тийрак нигоҳлари илғаган жой-маскан, дала, ўтлоқ манзаралари рангтасвирлари намойиши бўлди. Сўнгра улар она-Ватан, мустақил юрт ҳақидаги тушунчаларини назмий услубда бийрон-бийрон баён этдилар. Айниқса, ўқувчиларнинг она-диёримизни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари йиғилганларда зўр завқ-шавқ бахш этди.

Кечада иштирок этган мактаб раҳбарияти ҳамда Яккасарой тумани халқ таълими бўлими ходимлари синф раҳбари Хадича Қодирова сценарийси асосидаги бу томошани ТШЎМОИ бошланғич синф ўқитувчилари курсларида намойиш этиш ҳамда уни кенг оммалаштириш лозим, деган қарорга келишди. Бу фикрни у ерда иштирок этган ота-оналар, ўқитувчилар ҳам маъқуллашди.

**Хайрулла ЖУМАЕВ.**

## МММ ХАБАРЛАРИ

### САНЪАТГА АЛОҲИДА ИХЛОС

*Самарқанд давлат дорилфунунида машҳур кишилар, таниқли санъат арбоблари билан учрашув кечалари ўтказиш одат тусига кириб қолган. Яқинда эстрада қўшиқлари ижрочиси Сафия Сафтарова билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Талабалар бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган бу тадбир университет талаблар касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ташкил этилди.*

### ҚОЙИЛМАҚОМ ТАДБИРКОРЛИК

*Жомбой туманидаги 39-таянч мактаби директори Гулнора Аҳмедованинг тадбиркорлигига ота-она ва муаллимлар қойил қолишмоқда. Мактаб жамоаси А. Навоий номли жамоа хўжалигидан ярим гектар ер ажратиб олиб, ўша йилиёқ экилган ерёнғоқдан баракали ҳосил олишди. Олинган соф фойдага 2 бош бузоқ сотиб олиниб, шу кунгача қорамоллар сони 8 тага етди.*

*Хусусан, мактаб айни пайтда ўзининг анчагина даромад манбаига эга ва буларнинг барчаси ўқувчиларнинг яхши ўқишларига етарли шарт-шароит яратиш учун сарфланмоқда.*

### «СОҲИБҚИРОН» БАҲС ҒОЛИБИ

*Бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан Пайариқ туманидаги 38-ўрта мактабда ажойиб беллашув бўлиб ўтди. Мактабнинг «Соҳибқирон» гуруҳи тумандаги 39-мактабнинг «Истиқлол» гуруҳи билан Амир Темур ҳаёти ва фаолияти асосида ўзаро баҳс юритди.*

*Беллашувда «Соҳибқирон» гуруҳи аъзолари ўзларининг бу хусусдаги ҳақиқий билимларини намойиш этиб, баҳс ғолиби бўлишди. Ғолиблар туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.*

### САРАЛАРНИНГ САРАСИ

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Ёш қаламкашлар» бўлимининг адабий мушоираси бўлиб ўтди. Мушоира қатнашчиларини Ўзбекистон халқ шоири, уюшма раиси Абдулла Орипов қутлаб, уларга оқ йўл тилади. Анжуманда Д. Хўжаева, Ш. Тўлаганова, Г. Бегматова, Г. Валиева, А. Миронов каби ёш шоирларнинг шеърий машқлари илиқ таассурот қолдирди. Мушоира якуни шаҳар ўсмирлар ва болалар ижодиёт марказида ўтказилиб, ғолибларга қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқлар топширилди.*

## МММ ХАБАРЛАРИ

### ИЖОДКОРЛАР

*Қарши тумани халқ таълими бўлими ҳамда Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги ҳамкорлигида ижодкор ўқитувчиларнинг навбатдаги кўрик-танлови бўлиб ўтди.*

*Танловда Бўстон Раҳмонова, Худойберди Назаров, Цой, Бахтиёр Азизова, Файзулла Ражабовларнинг ижоди юқори баҳоланиб, ғолиб бўлишди. Улар қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар ва туман ҳокимининг муовини Жўра Сафаров ана шундай ижодкорларни кашф этаётган Машраб, Навоий, Ғафур Ғулом номли «Мустақилликнинг уч йиллиги» номидаги мактаблар жамоаларига ўзининг чексиз миннатдорчилигини изҳор этди.*

# МАМЛАКАТНИ ШАРАФЛАР ФУТБОЛ

(Боши 1-бетда).

нинг ўтган йилги молия, хўжалик фаолияти, 1996 йилги вазифалари муҳокама қилинди ва муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Биз раёсат йиғилиши иштирокчиларидан айримлари билан суҳбатлашдик.

**Р. ҲАМРАЕВ,**
**«Меҳнат резервлари» кўнглилли спорт жамияти Андижон вилояти кенгаши раис муовини:**

— Раёсат йиғилишида куюнчаклик билан қайд этилганидек, футболни ривожлантириш учун қуруқ гап ўрнига амалий иш қилишимиз керак. Футбол энг оммавий спорт тури. Тани соғ болалар орасида футбол ўйнамайдиганини кўрмаганман. Лекин болаларнинг футбол билан шуғулланишлари учун шарт-шароит керак. Кўп жойларда футбол тўпи анқонинг уруғи. Бизда бу муаммо ҳал этилди. Истовчилар биздан ҳар бири 220 сўмлик футбол тўпини сотиб олишлари мумкин.

Ўқувчиларнинг спорт формалари ҳам вилоятимизда етарли миқдорда, арзон баҳода етказиб берилмоқда.

Республика вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Халқ таълими вазирлиги буйруғини ишлаб чиқдик. Мактабларда футбол майдонлари, спорт заллари ташкил этиш юзасидан тадбирлар белгиладик.

Вилоятимизда 20 та футбол мактабида 7 мингта яқин ўқувчи шуғулланмоқда. Уларга 197 мураббий спорт сирларини ўргатмоқда. Энг иқтидорли ёш футболчиларимиз «Наврўз», «Олтин кўл», «Шаҳрихончи» жамоалари сафида ўйнашмоқда.

**А. П. БЛИНКОВ,**
**«Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Тошкент шаҳар кенгаши раис муовини:**

— Пойтахтимизнинг мактабларида кўплаб малакали спорт мутахассислари, ўз ишининг жонкуярлари бор. Улар фақат дарсда эмас, синфдан ташқари машғулотларда ҳам болалар ўртасида иш олиб боришади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш юзасидан шу йил 17 январда чиқарилган қарор алоҳида эътиборга лойиқдир.

Биз мазкур қарор асосида республика Халқ таълими вазирлигининг буйруғи юзасидан тегишли тадбирларни амалга ошириш режаларини ишлаб чиқдик. Ҳозирги кунда Ҳамза туманидаги 77-мактабда футбол чуқурлаштириб ўргатиладиган 2 та синф ишлаб турибди. Улар ихтиёрида 3 та майдонча бор. Болалар иссиқ овқат билан ҳам таъминланишади.

Акмал Икромов туманидаги 283-мактаб базасида янги ўқув йилигача футбол мактаб-интернати очишни кўзда тутаётирмиз. Машғулотлар шу мактаб ёнидаги 77-мактаб базасида ўтказилади.

Шаҳардаги 169-мактаб қошида футбол ҳакамлари тайёрлаймиз. Бу оммавий мусобақаларни кенг кўламда олиб боришга ёрдам беради.

Шаҳардаги ҳар бир туманда футбол куни ўтказиш режаларини тузаяпмиз. Хоҳиш бўлса, кўп иш қилиш мумкин. Биз соғлом авлодни тарбиялаш учун бор имкониятларни ишга соламиз.

**Ш. НОРҚУЛОВ,**
**«Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Сирдарё вилоят кенгаши раис муовини:**

— Ҳозирги кунда спортнинг футбол турини ривожлантиришга эътибор кучайтирилганлиги спортчиларнигина эмас, балки барча футбол мухлисларини ҳам қувонтирди.

Вилоятимизда футболни ривожлантириш бўйича бирмунча ишлар қилинди. Жумладан, 1995—96 ўқув йилида вилоят ҳокимининг қарори билан Янгиер шаҳрида 50 ўринли футбол мактаби очилиб, унда барча ноҳия ва шаҳарлардан қобилиятли ўқувчилар, малакали спорт мутахассислари қўлида таълим олишмоқда. Айни пайтда Гулистон шаҳрида футбол матаб-интернати ташкил этиш кўзда тутилаётир.

Ҳозирги пайтда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар, ишдаги камчиликлар кўп. Умумий таълим мактабларида спорт жиҳозлари, футбол тўплари, спорт формалари етишмайди. Шунингдек, майдонлар ҳам кам, борлари эса қаровсиз аҳволда.

Ҳайъат йиғилишида футболни ривожлантириш мавсумий иш эмаслиги айтиб ўтилди. Бу вазифани амалга оширишда халқ таълими органлари раҳбарлари билан ҳамкорликни кучайтиришимиз, саховатли ҳомийлар ёрдамидан фойдаланишимизга тўғри келади.

**Ғафур МАННОПОВ.**

# МАЗМУНЛИ АНЖУМАН

Яқинда пойтахтимиздаги Адҳам Раҳмат номли 122-мактабда туман она тили ва адабиёти ўқитувчиларининг анжумани бўлиб ўтди. Унда дарслар кузатилди. Айниқса, «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусида 6-«А» синфида ўтказилган интеграл дарс барчага манзур бўлди. Муаллима Қумрихон Усмонбекова ва шоир Қадам Саидмуродов ҳамкорликда ўтган мушоира дарсида синф ўқувчилари фаол қатнашдилар, Ватан ҳақида шеър ва мақоллар мушоирасини ўтказиб, ўз билимларини намойиш қилдилар. Шоира Жумpraвнинг «Кўз нурим — онам, олтин сўзим — онам», Назира Раҳметованинг «Хоразмийнинг «Муҳаббатнома асари», Ҳури Ҳасанованинг «Уюшиқ бўлакларда умумлаштирувчи сўз» каби мавзудаги дарслари ҳам юқори баҳоланди. Айниқса, шоира Кавсар Турдиева, «Чўлпон» нашриёти ходими шоир Турсун Алиларнинг ажойиб шеърлари анжуман иштирокчилари учун унутилмас совға бўлди. Шунингдек, туман услубчиси М. Усмонова таъкидлаганидек, мактабнинг тўгарак аъзолари саҳналаштирган «Соҳибқирон Темур», «Тил — бошнинг посбони» каби саҳна кўринишлари мактабда синфдан ташқари ишларнинг ҳам намунали йўлга қўйилганини кўрсатиб турибди. Бу анжуман ўқитувчиларга катта услубий ёрдам бергани билан аҳамиятлидир.

**Маҳмуда ЗОИРХОН қизи.**



Катта футболга йўл

**Анвар ОБИДЖОН**

# АЛИШЕР ИЛА ҲУСАЙН
## ёки уч доно ва ўғри

**ҚАЛАНДАР:**
Насиб этса, Ҳажга чиққанман,
Бош урай ҳис туғилган жойга.
**ҲУСАЙН:**
Энди сиздек зотга эргашиб
Шу ўғри ҳам бўлармн ҳожи?
**ҚАЛАНДАР:**
Ҳожилик на мансаб, на унвон,
Таъмасиз ҳур кўнгилнинг тожи.
**АЛИШЕР:**
Меҳмон бўлиб кетинг бир оқшом,
Мусофирга саҳийдир отам.
**ҚАЛАНДАР:**
Эзгу ишга отланганларни
Зиёфатлар чалғитар, бўтам.
**ҲУСАЙН:**
Унда киринг қайтишда бир ров,
Уйимиз ҳув Давлатхонада.
**ҚАЛАНДАР:**
Қоратошни ўпсаму, зора —
Жон берсам ул пок остонада.
**АЛИШЕР:**
Қайтгингиз йўқ наҳот Кўккентга?
**ҲУСАЙН:**
Рўзғорингиз борми?
**ҚАЛАНДАР:**
Ҳа... бўлган...
Рўзғор рамзи эди хотиним...
Қарзин узган... Бандалик қилган...
(Чуқур тин олиб, тўнкага ўтиради)
Қуйидек маъраб, назр-ниёз еб,
Белард ўсган икки ўғлим бор,
Феъл-хўйида фарқ йўқдир, гарчи —
Бири муфти, бири дўкондор.
Дўкондор-ку ошкордир элга,
Касбига ҳам мосдир нопоклик.
Кенжам эса иблисдан хавфли,
Дин номидан қилар шаккоклик.
Фарзандлардан ўксиб бир сафар
Йиғлай-йиғлай қолибман ухлаб.
Шунда таскин-тасалло берди
Хизр бобом тушимда йўқлаб:
«Зурёдингдан қиладур эгам
Юртингга бир азиз зот инъом.
Туғилар у она қорнида
Тилга олиб мўътабар калом.
Дарвештаъб ул бахшидан кейин
Не-не тождор ўтса-да буюк,
Ҳеч бирови Тўққиз Аймоққа
Ундан кўпроқ бўлолмас суюк».
Чақмоқ чақди. Уйғониб кетдим.
Поклаб ўтди танамни ёмғир.
Остимдаги майсага ўхшаб
Оттим келди чуқурроқ томир.
**ЎҒРИ:**
(Қайтиб келиб, қовоқни хуржунга тиқади)
Сойнинг гапин эшитмоқчийдим,
Ишни бузди ошиқ бақалар.
Босиб кетди «шовур-шувур»ни
Ўлдим-куйдим, «вақа-вақа»лар.
**ҲУСАЙН:**
Мен ҳовузнинг жаъми бақасин
Тинчитаман битта тош билан.
**ҚАЛАНДАР:**
(Кулиб, елкасига қоқади)
Истамбулда амирал наҳр[1]
Бўлар эдинг бундай бош билан.
(Нарсаларни хуржунга солиб, болаларга термилади)
Бўталарим, рози бўлинглар
Бизга берган фурсатингиздан.
Оламжаҳон умид жамғардим
Малҳами дил суҳбатингиздан.
Гар кўпайса сиздек ўғлони,
Туркнинг би-и-р қад ростламоғи бор...
Омин! Умр бўйи ҳар ишда
Тангрим сизга бўлсин мададкор.
Оллоҳу акбар!
(Ўрнидан туради)
Хайр энди! Ширингдир азал —
Ош ва суҳбат туюлса озроқ.
(Качкулини осиб, аста қўзғалади).
**ЎҒРИ:**
(Хуржунни елкалаб, Ҳусайнга кўз қисади)
Кўришайлик яхши кунларда...
Хуллас, тахтни ўзлаштир тезроқ.
(Алишерга)
Нимчангни бир кўрайин, қани,
Буни эсда сақлаб қоламан.
Афт-ангоринг ёддан чиқса ҳам,
Чўнтагингдан таниб оламан.
(Қаландарга эргашади).
**АЛИШЕР:**
Унутмаймиз сизларни. Хайр!
Йўлингизни берсин худойим.
**ҲУСАЙН:**
Қайтишда бир қўниб ўтинглар,
Эшигимиз очиқдир доим.
(Улар кетгач, йўлга маҳзун тикилиб қолишади).
**АЛИШЕР:**
Назаримда бу улуғ одам
Борар гўё мени ҳам бошлаб.
**ҲУСАЙН:**
Иккимизнинг кўнглимизга у
Кетди сира ўчмас ўт ташлаб.
(Гулханга боқиб)
Гулхан энди бизларга қолди,
Юринг, ўтин териб соламиз.
**АЛИШЕР:**
Тўғри. Қанча баланд ёндирсак,
Шунча узоқ баҳра оламиз.
(Кета бошлайдилар).

**Охири. Боши газетамизнинг 10, 11, 12, 13, 14 ва 15-сонларида.**

**1. Денгиз қўшинлари бошлиғи.**

*Хуллас...*

## ТОНГГАЧА ДЎКОНДА «КАТАЙСА» ҚИЛИШДИ

Канаданинг Гатино шаҳрилик икки ака-ука — саккиз яшар Энтони ва олти яшар Жерями йўқолиб қолишди.

Қидирувга бугунги куннинг барча имкониятлари ишга солинди: ўргатилган ит, махсус мосламали вертолёт. Ҳатто, 150 кишидан иборат кўнгиллилар гуруҳию полициячиларнинг тунги титкилаши ҳам натижа бермади. Энди умид узилди, деб турилган бир пайтда, болаларнинг изи «Болалар дунёси»дан топилди. Магазин директори эрталаб келиб, эшикни очса, икки ўйинқароқ пештахталар оралаб, велосипедда бамайлихотир «катайса» қилиб юришибди.

Маълум бўлишича, бир кун олдин дўкондаги ўйинчоқларни хўп томоша қилиб чарчаган болалар бурчакдаги «ҳиндилар чодири»да ухлаб қолишади. Туришса, дўкон ёпиқ. Бундан қўрқиш ўрнига хурсанд бўлиб, тонггача хоҳлаган ўйинчоқларини ўйнаб, у ёқда эса катталарни «ўйнатиб» чиқишади.

## БЕШИК — МУСТАҚИЛЛИК ЭШИГИ

Инсоннинг камолоти, руҳият-аъмоли гўдакликдан бошланади. Бу энди янгилик эмас. Мана сизга бошқа янгилик: агар гўдакнинг кўрпа-тўшаги ўз вақтида алоҳида қилинмаса, катта бўлганида катта муаммоларга дуч келиши мумкин. Италиялик руҳшунос дўхтирлар шундай хулосага келишди.

Уларнинг исботича, мустақиллик, ўз-ўзини бошқара билиш унсурлари чақалоқликдан куртак отади. Онанинг иссиқ бағри эса бу куртакларни нобуд қилиб қўяди. Ношуд, ўқувсиз, тушкун кишиларнинг урчиши шундан.

Хуллас, италиялик олимлар бутун оламга шунақа деб жар солишяпти. Ўйлаб қарасам, бизнинг ота-боболаримиз аюҳаннос солмай, жимгина бешикни яратиб қўя қолишган экан. Балли-ей!

## НЕМИСНИ ҚАЙТАРГАН ҚИШ

Гитлер Россиянинг барча томонларини ҳисобга олиб, қишини ўйламаган, дейишади мутахассислар. Россия қишининг қаттиқлигию, забтининг қаҳрлиги билан ҳам машҳур. Немислар дуч келган қаҳратон шу йил яна такрорланяпти, шекилли.

Яқинда кемероволик тўрт йигит-қиз фожиага учради. Шаҳар ташқарисидаги дала ҳовлига йўл олган ёшлар бўрон натижасида йўлдан адашди. Совуқ 30 даража. Юришнинг иложи бўлмай қолди. Йигитлардан бири сурина-сурина атрофдаги қишлоққа етиб келиб, воқеадан дарак берди. Етиб келишганда эса аллақачон кеч бўлган эди. Бир йигит ва қизни қутқаришнинг иложи бўлмади. Бошқасининг совуқ олган оёғини кесишга тўғри келаркан.

## НАСТЯ — БЕШИНЧИГА «САКРАДИ»

Нижегород вилоятининг Степаново қишлоғилик Настя Ханшина бир йилда икки синфни битиради. У мактабга олти ёшида борган. Бу йил январь ойида саккиз яшар қизча имтиҳон топшириб (бунинг устига ҳаммасини «беш» га), бешинчи синфга «сакради».

Дарвоқе, Настя фақат ўқитувчиларни қойил қолдираётгани йўқ. Унинг шеър, эртак, бошқотирмалари туман газетасида иштиёқ билан босиляпти. Кутубхона унга «ёстиқдай-ёстиқдай» китобларни қўш қўллаб тутқизмоқда.

*ана шунақа гаплар*

# «ЎЗБЕК ЮРТИНИ СЕВАМАН»

*Суҳбатдошим Су Фан Цю 1969 йилда Хитойда таваллуд топган. Отаси Су Дянь Си онаси Лю Тин Ся хоним ёлғиз қизлари билан биргаликда Харбин шаҳрида истиқомат қилишади. Ҳар иккаласи ҳам хитой тили бўйича йирик мутахассис. Ўзи Хитой чет тиллар институтининг рус тили факультетини 1992 йили имтиёзли диплом билан тамомлаган. Айни пайтда ТошДУда таҳсил олиш билан бирга пойтахтимиздаги Хитой элчихонасида таржимон бўлиб ишлайди. Ўзбек тилини мукаммал билади, рус ва инглиз тилларида бемалол суҳбатлаша олади. Йога унинг севимли машғулоти, тарвузни хуш кўради. Бундан ташқари у яна мумтоз адабиётимизга оид бадиий асарларни мутолаа қилишни, спорт билан шуғулланишни ҳам ёқтиради.*

*Су Фан Цю жаноблари билан суҳбатимиз асосан Хитой ва Ўзбекистон давлатлари маорифи тизимидаги ўзгаришлар хусусида бўлди.*

**— Сизни Марказий Осиёга айнан Ўзбекистонга келишга нима мажбур қилди? Юртимизга қизиқиш қачон пайдо бўлган?**

— Болалик кезларимдаёқ замин сайқали ҳисобланмиш кўҳна Самарқанднинг Регистон майдонида жилоланиб турган, кўрки-тароватн бутун оламни тутган Шердор, Тилла Қори мадрасалари, Улуғбек расадхонаси, Шоҳи-зинда, Гўри Амир мақбаралари, Бибихоним масжидини ойнаи жаҳон кўрсатувлари орқали зўр қизиқиш билан томоша қилар эдим. Ўшандаёқ юртингизнинг гўзаллиги мени тамоман мафтун этган эди. Ўзбекистон пойтахти Тошкентни кўриш, бу гўшада хумордан чиққунча сайр қилиш, тошкентликлар билан мулоқотда бўлишни орзу қилардим.

Хайрият, 1991 йил Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгач, ўзбек халқи азалий орзуси ушалганидан қанчалик севинган бўлса, менинг қувончим, хурсандчилигим ҳам шунча бўлди. Ўзбекистонни жаҳон таниди. Мен ҳам 1992 йили Хитойдан Ўзбекистонга ўқиш ниятида келдим. Бизни очиқ чеҳра билан қарши олган ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, ширинзабонлиги қалбимда бир умр муҳрланиб қолди,десам муболаға бўлмас. Бу ерда яна тўрт йил қолиб ишлаш ниятим ҳам йўқ эмас.

**— Бир қанча туркий ва Европа тилларини биласиз. Айтингчи, Су Фан Цю, тил ўрганишнинг энг осон ва қулай йўли қанақа?**

— Бир қанча йўллари бор. Шулардан биринчиси: диққат билан тинглаш. Иккинчиси ўзинг ўрганмоқчи бўлган тилингда кўпроқ гапиришни машқ қилиш. Бунинг учун аввало сен ўша тил муҳитида булмоғинг керак. Айниқса, ўша тил эгаси —l халқ яшайдиган шаҳар ва қишлоқларда бўлиш тил ўрганувчи учун энг катта ва ўта муҳим восита ҳисобланади. Яна шуни айтиб ўтишни истардимки, фикри ожизимча, кундалик ҳаётда ишлатиладиган 4000, 4500 минг сўзни билиш тил ўрганиш учун етарли деб ўйлайман.

**— Айтинг-чи, очиғи Ўзбекистонга келмасингиздан олдин бу давлат ҳақида қандай тасаввурга эга эдингиз?**

— Юқорида айтганимдек, мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ агар бу жаннатмакон юрт собиқ Шўролар таркибидан ажралиб чиқса келажаги порлоқ бўлишга жуда ҳам ишонган эдим. Юртингизга болаликдан меҳрим бекиёс бўлганлиги сабабли унинг тарихини, маданиятини, санъатини, урф-одатларини мукаммал ўргана бошладим ва дунёда Ўзбекистондай жаннатмакон ўлка борлигини ҳамюртларимга ҳам етказишга аҳд қилганман.

**— Хитой ва Ўзбекистон давлатларида таълим бериш усули ўртасида қандай тафовут бор?**

— Икки мамлакатнинг ўрта умумтаълим мактаблари ҳамда олий ўқув юртларида таълим бериш тизими бир-бирига жуда ҳам ўхшаб кетади. Бизда ҳам мажбурий таълим 16 ёшгача, ўқиш, билим олиш эса Ўзбекистондагидек бепул. Ўрта мактабда толиби илмлар 12 йил, талабалар эса дорилфунун ёки институтларда 5-6 йил сабоқ олишади.

Ҳозирги кунда мамлакат миқёсида мактаб таълимини қайта ислоҳ қилиш сиёсати олиб борилаяпти. Асосий мақсад, умуминсоний қадриятлардан келиб чиққан ҳолда ўғил-қизларнинг ҳуқуқий дунёқарашини, уларда миллий руҳни, давлатлараро дўстона муносабатларни шакллантиришга, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришда оила, мактаб, таълим муассасалари фаолиятини оширишга қаратилмоқда.

**— Яқин келажакдаги режаларингиз ҳақида гапирсангиз?**

— Келажакда Марказий Осиё ҳақида (тарихий) китоб ёзмоқчиман. Ҳозирча, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида кўрган ва билганларим ҳақида ўз газеталаримизда кўплаб қизиқарли мақолалар чоп эттирдим. Ниятим бу хайрли ишни давом эттириш.

**— Суҳбатимиз поёнида сўнгги савол, бизнинг газетамиз муштарийларига тилак ва истакларингиз...**

— Дунёнинг кичкинагина ярасига малҳам бўла оладиган Инсон бахтлидир. Мен барча муштарийларга ана шундай бахт-иқбол насиб этишини тилайман.

**— Эзгу орзуларингиз тезроқ рўёбга чиқсин!**

**Суҳбатдош Улуғбек ЖУМАЕВ.**

*Шогирд эҳтироми*

# ҚЎШРАБОТНИНГ САЙЁРАСИ

Инсон хотиралар гирдобида яшайди. Хоҳ яхши, хоҳ ёмон кунлар бўлсин, хоҳ мароқли, хоҳ кўнгилсиз, хуш ёки нохуш воқеалар бўлсин, улар ўша гирдобда айланаверади. Вақт ўтган сайин бу гирдобга янги-янги хотиралар қўшилаверади. Умрнинг мезони шул, йилларнинг одамга тортиқ этадиган имкони шул. Зеро, инсоннинг онги ана шу хотиралар силсиласида тиниқлашиб, теранлашиб, сайқал топиб боравергусидир.

Мактабдаги ўқиш йилларининг эслови кимга нима беради, билмадиму, менга айрим тоифадаги муаллимларнинг дарсни шунчаки тарзда эмас, балки синфхонада ўтирган қоракўзларнинг соддагина нигоҳларига қайғурувчан кайфият билан ёндашишларидан таъсирланиш ҳиссини беради. Ким бўлиб етишар экансизлар? Ишқилиб, ўқиб илм олсангиз, кам бўлмайсизлар. Китобни севинг! Мутолаадан эринманг!

Мен уларнинг синчков нигоҳларидан ана шу ўгитларни уқардим. Уқардиму, ўқирдим, китоблар қўлимдан тушмасди...

Самарқанднинг чекка тумани Қўшработда Низомий Ганжавий номи билан аталгувчи 82-ўрта мактабнинг бугунги ҳашаматли биноси, бундан 15—20 йил илгариги синфхоналари печларда иситиладиган, полларининг гоҳ у ери, гоҳ бу ери ўйилиб кетган, чироқ бирда ёнса, бирда ёнмайдиган, қандайдир сокин, илмга ташналик ҳолати ҳукмрон иморатини эсга солади.

Аниса Ардванова, Сайёра Жониқулова, Тўрақул Ризаметов, Яхшилик Бадалов, Облоқул Поситов, Назар Эрматов... Ўша кўримсизгина иморат ёдга тушганда, беихтиёр ана шу ўқитувчиларим кўз ўнгимда гавдаланади. Уларнинг аксарияти карилик нафақасида, айримлари ҳамон мактаб, болалар дея ёниб юрибдилар...

«Ёниб юрибдилар» деганим кўпчиликка қуруқ ибора бўлиб туюлар. Лекин чинданда тан олмай иложимиз йўқ, ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам урадиган бундай муаллимлар ҳамма жойда бор ва бу нур устига нур, ахир.

Сайёра Жониқуловани мактаб йилларимнинг, ўқувчилик давримнинг бир бутун асосини ташкил этиб турган муаллима сифатида эслайвераман. Эсламасликнинг иложи йўқ. Ҳали таъкидлаганимдек, у хотирам гирдобида айланиб юрган, мендан асло узоқлашмайдиган муаллима.

Ҳамзанинг машҳур «Бой ила хизматчи» драмасини ўрганишга бағишланган дарс эди. Сайёра опа «Адабиёт хрестоматияси»дан бу асарни мустақил ўқиб келишимизни тайинлади. Кейинги дарсда биз мазкур драмани ролларга бўлиб, ифодали ўқишни ўрганишга киришдик. Адабиётга қизиқишим кучли эди. Сайёра опа менга Жамила ролини берди. Асардаги бош ролларидан бўлгани учунми ёки мени бошқа синфдошларимдан устун қўйиб, ана шу қаҳрамоннинг сўзларини ўқишни тавсия этгани учунми, билмадим, ҳар қалай, ўзимдан ўзим ғурурланиб кетдим.

Синф сув қуйгандек жимжит. Жамиланинг фарёдигина эшитилади. Бунга Ғофирнинг далдаси уланиб кетади.

Шоша-пиша, худди кетимиздан ёв қувгандек тез-тез драмани ўқиб ташладик. Қойилмақом иш қилдик, дегандек бир-биримизга мамнун боқамиз. Шунда Сайёра опанинг тийрак кўзларидан талабчан бир маъно ёғилди.

—l Болалар, ҳар қандай бадиий асарни ўқиганда, у шеър, ҳикоя, драма, трагедия бўлсин, унинг нуқта, вергул, хитоб ёки сўроқ белгисига эътибор бериш керак! Ифодали, таъсирли ўқишда бу асосий шартдир. Агар сиз ифодали ўқишга эришсангиз, ўз-ўзидан қаҳрамоннинг ички кечинмаларини ҳам тингловчига етказиб бера оласиз!

Жамила, Ғофир, Солиҳ бой, Хонзода, Гулбаҳор ва асарнинг бошқа қаҳрамонлари, яъни «биз» Сайёра опанинг ўгитларидан хулоса чиқарган бўлиб, жим тингладик.

Орадан мана, 20 йилча вақт ўтибди. Аммо Сайёра опанинг жарангдор овози ҳамон қулоқларимдан кетмайди. Ўша лаҳзадаги ғурур билан ўқитувчимизнинг одилона, дўстона кузатиши қоришиб, уни хотирамга жойлаб қўйди.

* * *

Синфимиздан икки ўқувчи туман олимпиадасига йўл олдик. Адабиётдан, ўзбек тилидан пухта тайёргарлик кўришимизга қарамасдан, бизга ҳеч қандай ўрин насиб қилмади. Қайтганимиздан сўнг Сайёра опанинг шундай сўзларни айтгани ёдимда:

— Ўрин тегмади, деб хафа эмасмисизлар? Аввало, ўша олимпиадага бориб келишларингнинг ўзи катта омад. Унга энг сара ўқувчилар боришади. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам биринчи ўринга олиб чиқиш қийин. Буни тушуниш керак.

Тушунмасдан иложимиз бор эдими?

Сайёра опанинг далдаси бизга руҳий озуқа бўлган эди.

* * *

Сайёра Жониқуловани — бизга одобдан, яхшиликдан, тўғриликдан, самимийликдан, энг муҳими, адабиёт фанининг оний ва боқий гўзалликларидан сабоқ берувчи оддий ва камтарин қишлоқ аёлини тез-тез эсга оламан. Бу қандайдир табиий ҳолатга айланиб қолган. Яхши хабарни эшитганимдан бери уни янаям кўпроқ эслайдиган бўлдим.

Дарвоқе, ҳозирда Қўшработ туманидаги 49-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бераётган талабчан, ўз ўқувчиларининг билим олишига қайғурувчан муаллимамга «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвони берилди. Аслида у унвон, мартаба, шон-шуҳрат учун талашиб-тортишадиган ўқитувчилар тоифасидан эмас. У болани гўзаллик оламига етаклаш, сўз санъатининг жозибасига тортиш, хушахлоқликка, ширинсўзликка ўргатишга қай йўсинда ёндашиш ҳақида ўйлайди. Бу ўйлар уни тарк этмайди.

Тасаввур қиламан: Сайёра опа оддийгина қишлоқ мактабининг камжиҳоз, дид билан безатилган синфхонасида дарс бераяпти. Навоий ижодига бағишланган дарс. Муаллима оҳанрабо тасмасини айлантиради. Хонага «Қаро кўзим» ёки «Муножот»нинг ҳазин, дардли куйи таралади. Сўнгра куйга монанд сўз дурлари терилади. Нигоҳлар жим, руҳият эса Навоий оламига, ижодига яқинлашмоқда.

Сайёра опа ўқувчиларга ғазал мазмунини шарҳлаб беради. Уйга вазифа қилиб Навоий асарлари бўйича ҳар ким қобилиятига яраша сурат чизиб келишини тайинлайди...

**Ҳ. ТЎЙМАНОВА.**

Мирзо Улуғбек туманидаги 148-мактаб жамоаси шу мактаб директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ғиёс Алимович Абзаловга турмуш ўртоғи

**Мамлакат АБЗАЛОВА**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Халқ таълими», «Бошланғич таълим» журналлари жамоаси ва таҳрир ҳайъати «Бошланғич таълим» ойномасининг собиқ бош муҳаррири Ўтамурод Нурмуҳаммедовга падари бузруквори

**Нурмуҳаммад ЖАББОР ўғли**

вафот этганлиги муносабати билан унга ва унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Луқмон Бўриев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0141. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Тиражи — 39 710.
1 2 3 4 5 6